

## DINII BAGRIKENGLIKNING IZHTIMOIY POTENTIALS

Жамолиддин Тоғаймуродов,  
Шаҳрисабз давлат педагогика институти магистранти

### ABSTRACT

Religious tolerance has a significant social potential. In a society that accepts this idea and is able to apply it appropriately to various aspects of its life, there will be fundamental qualitative changes not only in the social and spiritual, but also in the economic and political spheres. This is evidenced by the current experience of societies where religious tolerance is legally enshrined as an important principle of social relations. Of course, the social potential of religious tolerance can be interpreted and described in different ways. However, an analysis of its most basic aspects also makes it possible to show how incomparable its social significance is.

**Keywords:** religious tolerance, social, potential, tolerance, legal, description

Биринчидан, диний бағрикенглик миллий бирдамликни мустаҳкамлай-ди. Миллий бирдамлик турли синфлар, табақалар, қатлам вакилларининг Ва-тан манфаатлари атрофида бирлашганлиги даражасини ифодаловчи тушун-чадир. У миллат мавжудлиги ва тараққиётининг асосий манбай ҳисобланади. Бирдамлик бўлсагина миллат воқе бўлади, унинг емирилиши миллатнинг ҳам тарих саҳнидан тушишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай миллат таркиби ўзининг муракқаб характеристи билан тавсиф-ланади. У кўплаб синфлар, табақалар, қатлам вакилларидан таркиб топиши бизга яхши маълум. Табиийки, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мальавий эҳтиёж ва манфаатлари бир-биридан тубдан тафовутланади. Албат-та, бундай тафовутни миллат борлигининг ўзига хос хусусияти сифатида баҳоламоқ даркор. Бироқ айни пайтда улар учун умумий бўлган манфаатлар бўлмаса, турли синф ва табақа вакиллари ягона манфаатлар атрофида бирлашмаса, миллий тараққиёт суръатлари бениҳоя сусаяди. Миллат вакиллари-нинг ягона – Ватан манфаатлари атрофида бирлашуви миллий бирдамликни шакллантиради. Бинбарин, миллий бирдамлик миллатнинг тарих саҳнида сақланиб қолишини, тараққий топишини таъминловчи қудратdir.

Лекин XX асрда миллий бирдамликка хавф солувчи янги омил вужудга келди. Бу даврга келиб миллат вакиллари нафақат у ёки бу синф, табақага мансублигига қараб, балки диний конфессияга даҳлдорлигига, динга муносабатига қараб ҳам тафовутлана бошладилар. Замонавий жамиятда бир миллат вакили бўлса-да, турли диний конфессияларга мансуб кишилар тоифаси пай-до бўлмоқда. Ҳиндистон ва Хитойда кўп асрлардан буён мавжуд бўлган мазкур тенденция бизнинг давримизга келиб қатор ривожланган мамлакатларда ҳам бўй кўрсатди. Ўзбекистонда ушбу тенденция ўзига хос ракурсда юз бер-моқда. Тўғри, ўзбеклар орасида бошқа диний конфессия вакиллари ниҳоятда кам учрайди. Бироқ уларни динга муносабатига қараб таснифлаш мумкин.

Миллат вакиллари диний конфессияга мансублигига қараб ҳам тафо-вутлана бошлаган бир вазиятда диний бағрикенглик миллий бирдамликни таъминловчи омил даражасига кўтарилимоқда. Чунки ўзга дин вакилларига сабр-тоқат ва хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлишга одатланган шахс ўз миллатдошининг диний эътиқодини ёхуд бундай

эътиқоднинг мавжуд эмас-лигини “ҳазм” қила олади, унинг ўз эътиқоди ва истакларига таяниб турмуш кечиришига монеълик қилмайди. Бундай кишиларни ўзга диний эътиқод вакиллари билан Ватан манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишга ундаш осон кечади. Диний бағрикенглик тамойиллари кенг татбиқ этилган мамлакатлар-нинг бугунги тажрибаси ҳам фикримизни исботлаб турибди. Масалан, поляк-ларнинг 86,9 фоизини католиклар, 1,3 фоизини православлар, 0,36 фоизини протестантлар ташкил этади.<sup>1</sup> Бироқ бундай тафовут ўзгаларнинг диний эътиқодига сабр-тоқат билан муносабатда бўлишга одатланган полякларнинг Ватан манфаатлари йўлида бирдамлиқда фаолият қўрсатишларига, юзага кел-ган ижтимоий муаммоларни ҳамжиҳатлиқда бартараф этишларига, мавжуд зиддиятларни хотиржамлик билан ҳал қилишларига халал бермаяпти. Бу фактлар диний бағрикенглик миллий бардамликни таъминловчи муҳим омил эканлигидан далолат беради.

Иккинчидан, диний бағрикенглик ижтимоий барқарорликни таъминлай-ди. Ижтимоий барқарорлик деганда жамият ижтимоий тизимининг турли таҳ-дидларга бардошлилиги даражаси назарда тутилади. Унинг стратегик аҳами-ятини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ бўлса керак. Инсоният тарихининг ибтидосидан буён барча даврларда ижтимоий барқарорлик социум мавжуд-лиги ва тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлиб келган. Бугун ҳам кўплаб мутахассислар жамият тараққиётини таъминловчи омиллар ҳақида гапирганда ижтимоий барқарорликни биринчи ўринга қўядилар.<sup>2</sup> Ижтимоий барқарорликсиз жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тузилишини сақлаб бўлмайди. Бирор аҳамиятли тараққиёт дастурини унингиз амалга ошириш-нинг имкони йўқ. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўллари ва имкони-ятлари талайгина. Масалан, тадқиқотчи А. Руди бу имкониятлар туркумига қуидагиларни киритади:

- 1) ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидағи ўзгаришларда ворисийлик-нинг таъминланиши. Жамият ҳаёти жадаллик билан ўзгариб боради, албатта. Бироқ бу интенсив ўзгаришларда жамиятнинг аввалги тараққиёт босқичлари-га мансуб бўлган зарурий сифатий белгиларнинг сақлаб қолинишигина жамият ўзига хослигини, барқарорлигини таъминлайди;
  - 2) маънавий қадриятлар мазмунининг ўзгармаслиги. Ижтимоий тараққиёт давомида маънавий қадриятлар ҳам муайян эврилишларга учрайди. Ле-кин қандай ўзгаришлар юз бермасин, уларнинг мазмуни ўзгармас бўлиб қолиши керак, шундагина ижтимоий барқарорлик сақлаб қолинади;
  - 3) жамият ҳаётининг турли соҳаларининг ўзаро алоқадорликда ўзгариши. Бу алоқадорликнинг сақланиши ижтимоий барқарорликка пойдевор яратади, унинг бузилиши эса ижтимоий бекарорликни келтириб чиқаради.<sup>3</sup>
- Энди масаланинг моҳиятига диний бағрикенглик позициясидан назар ташлайлик. Биринчидан, ҳар қандай жамиятдаги моддий ва маънавий қадри-ятлар бир эмас, бир неча миллат, диний конфессия вакилларининг асрлар давомидаги фидокорона меҳнати эвазига яратилган. Диний бағрикенглик нафақат бир динга мансуб кишилар яратган

<sup>1</sup> Қаранг: Религия в Польше:// wikipedia.org.

<sup>2</sup> Қаранг: Руди А.Ш. Источники и признаки социальной стабильности:// Мир науки, культуры, образования, 2013, №1.- 294-296-с.

<sup>3</sup> Қаранг: ўша ерда.

қадриятларнинг, балки турли конфессия вакиллари томонидан бунёд қилинган қадриятларнинг ҳам вори-сийлигини таъминлайди ва шунинг билан ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Иккинчидан, ижтимоий тараққиёт давомида маъна-вий қадриятлар эврилишларга учрар экан, диний қадриятлар ҳам трансформациялана боради. Диний бағрикенглик диний қадриятлардаги ўзгаришларни ҳам оқилона қабул қилиш имконини яратади ва шунинг билан ижтимоий бекарорликни вужудга келтирувчи қайфиятларга барҳам беради. Учинчидан, диний институтлар ҳам жамият ҳаётининг турли соҳаларидағи ўзгаришларга мутаносиб равишда янгилана боради. Диний бағрикенглик жамият аъзола-рини мазкур янгиланишларни ҳам объектив жараён сифатида қабул қилишга одатлантиради. Кўриниб турибиди, диний бағрикенглик ҳар қандай жа-миятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга қодир бўлган аҳамиятли омиллар туркумига киради.

Учинчидан, диний бағрикенглик миллатлараро тотувликни ривожлантиради. Миллатлараро тотувлик турли миллат ва элат вакилларининг бир жамиятда ҳамжиҳатликда яшashi учун яратилган имкониятларни ўзида ифодаловчи тушунчадир. У кўпмиллатли мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминловчи манбалардан бири ҳисобланади. Чунки бундай мамлакатларда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч бўлмаса юрт равнақи тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

XX асрнинг ўрталарига қадар мутахассислар жаҳон мамлакатларини бир миллатли, икки миллатли ва кўп миллатли мамлакатларга таснифлар әдилар. Бунда бир миллатли мамлакатлар қаторига - Германия, Япония, Швеция, Италия, БАА, икки миллатли мамлакатлар туркумига – Канада, Бельгия, Хорватия, кўп миллатли мамлакатлар сарасига – Ҳиндистон, Нигерия, Швейцария ва бошқалар киритиларди.<sup>4</sup> Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмида авж олган глобаллашув жараёнлари, миграция оқимларининг интенсивлашви вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Бугунги кунга келиб, жаҳонда бир миллатли таркибга эга бўлган мамлакатлар деярли қолмади. Масалан, Германия аҳолисининг 91,5 фоизини немислар, 2,4 фоизини турклар, 6,1 фоизи ни бошқа миллат вакиллари ташкил этадилар. Япония аҳолисининг 98,5 фоизи япон миллатига, 0,5 фоизи корейс миллатига, 0,4 фоизи хитой миллатига, 0,6 фоизи бошқа миллатларга мансуб. Швецияда шведлар ва финлар билан бир қаторда келиб чиқиши сурялиқ, ироқлиқ, эронлиқ, полъшалиқ бўлган фуқаролар истиқомат қилмоқдалар.<sup>5</sup> Айни пайтда бу ва бошқа мамлакатларда миллий таркибининг бойиши жараёни давом этмоқда. Шу муносабат билан турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги тотувликни таъминлаш масаласи умумбашар аҳамиятига молик масалалардан бирига айланди.

Жамиятда миллатлараро тотувлик муҳити хукм сурини учун бир миллат вакиллари ўзга миллатларнинг тили, тарихи, қадриятлари, урф-одатлари ва маросимлари, динини ҳурмат қилишга одатланган бўлмоқлари лозим. Шу контекстда фикрлаганда, диний бағрикенгликнинг миллатлараро тотувликни таъминлаш омилларидан бири сифатидаги роли аён бўлади. Чунки диний бағрикенглик тамойилларини пухта ўзлаштирган ва

<sup>4</sup> Қаранг: Многообразие стран современного мира// foxford.ru.

<sup>5</sup> Национальный состав населения стран// statinformation.ru.

ҳаётий фаолиятининг қоидаларидан бирига айлантирган шахс ўзга миллатнинг ҳар қандай маънавий қадриятларини, жумладан диний қадриятларини ҳам ҳурмат қилишга қодир бўлади. Бинобарин, жамиятда диний бағрикенглик тамойиллари илдиз ота боргани, ўзга динларга сабр-тоқатли муносабатда бўлишга мойил кишилар-нинг кўпайгани сайин миллатлараро тотувлик ҳам ривожлана боради. Худди шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содик бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради”<sup>6</sup>- деб таъкидлаганди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Соҳибова Л.Ж. Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларнинг шахс маданий савиясига таъсири: Фалс.д. дисс. автореф.- Бухоро:БухДУ, 2022.- Б.12.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// Халқи-мизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2.- Т.:Ўзбекистон, 2018.-Б.141.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ж.3.- Т.:Ўзбекистон, 2019.- Б.54.
4. <sup>1</sup> Раҳматова Д. Геосиёсий рақобат шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш концепциялари.- Т.:Lesson Press, 2021.- Б.21.

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ж.3.- Т.:Ўзбекистон, 2019.- Б.54.